

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВ МАХМУД АХМЕДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy
(PhD) on economical sciences**

Султанов Махмуд Ахмедович

Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари . 3

Султанов Махмуд Ахмедович

Перспективы развития инвестиционных фондов в Узбекистане 27

Sultanov Makhmud Akhmedovich

Investment funds development prospects in Uzbekistan 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВ МАХМУД АХМЕДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt214 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус,инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Нарбой Ганиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Саттаров Одилжон Бердимуратович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.16.03 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «20» июнь соат 16⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, mail:tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, E-mail:tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «20» июнь куни тарқатилди.

(2019 йил «7» июнь 9- рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё молия бозорида институционал инвесторлар ўртасида жиддий рақобат кузатилаётганига қарамай, инвестиция фондларининг инвесторлар пул маблағларини жалб қилишдаги салоҳияти ошиб бормоқда. 2018 йил бошига келиб, «дунё бўйича инвестиция фондларининг соф активлари қиймати деярли 49,3 трлн. долларга етиб, ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ошган. Улар таркибида қимматли қоғозлар бозорининг англо-саксон моделига хос АҚШда 17,4 фоиз, Европа (герман)га хос модели мамлакатларидан Германияда 22,1 фоиз, гибрид моделига мансуб давлатлардан Хитойда 37,6 фоиз ва Россияда 52,4 фоизга ошган»¹. Жаҳон мамлакатлари бўйича инвестиция фондлари соф активлар қиймати ошишининг нотекислигига қарамай, бу масала юзасидан муҳим икки қонуният кузатилади: биринчидан, мамлакат қанчалик бой ва унинг ривожланиш даражаси нечоғли юқори ва ўсиш суръатлари барқарор бўлса, унда инвестиция фондлари ривожланиши учун зарур имкониятлар мавжуд; иккинчидан, инвестиция фондлари ривожланишига оид тарихий тажриба қанчалик катта бўлмасин, давлат томонидан яратилаётган шароит ва дастаклар юксалишнинг белгилловчи омили сифатида изоҳланади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида инвестиция фондларининг фаоллиги, уларнинг янги инновацион шакллари ва рақамли иқтисодиёт элементларидан кенг фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда қимматли қоғозлар бозорида фаоллиги ошиб бораётган индекс фондлари, шунингдек, пай инвестиция фондлари соф активлар қийматининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни баҳолаш долзарб масалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга бошқарувчи компания томонидан инвестиция фонди активларини бошқаргани учун тўланадиган мукофот пулини соф активлар қиймати ўсишига нисбатан рағбатлантириш, давлатнинг қимматли қоғозлар бозорини ташкилий моделига мансублиги, инвестиция фондларининг ривожланиш қонуниятлари, давлат тартибга солиш тадбирлари самарадорлиги, инвестиция портфели диверсификацияси бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Жаҳон молия бозорида жозибадор ҳисобланган инвестиция фондлари Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида ўз мавқеини йўқотиб бормоқда. Шу муносабат билан ҳозирда инвестицион воситачилар ёрдамида қимматли қоғозлар бозорига аҳоли маблағларини жалб этиш - «иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир»². Дарҳақиқат, аҳоли пул маблағларини жалб этиш ва инвестиция объектларига йўналтиришда воситачилик қилувчи инвестиция фондларининг сони 1996-1998 йиллар давомида республикамызда 86 та хусусийлаштириш инвестиция фонд (ХИФ)и ташкил этилган бўлса, 2019 йил

¹ ICI. Investment Company Fact Book, 2017.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. -www.uza.uz

бошига келиб, 9 тагача тушиб кетди. Ўзбекистонда инвестиция фондлари томонидан 2,32 млрд. сўм номиналга эга акциялари муомалага чиқарилган бўлиб, унинг мамлакатимиздаги барча акционерлик жамиятлари томонидан муомалага чиқарилган (59439,42 млрд. сўм) акцияларга нисбатан улуши 0,0039 фоизни ташкил этади. Бундай ҳолат мамлакатимизда инвестиция фондларининг иқтисодиётдаги салмоғи жуда паст ва у талаб даражада эмаслигини кўрсатади. Ҳозирги кунда фонд бозорида инвестиция фондларининг рақобатбардош эмаслиги, уларнинг акцияларига эгалик қилаётган акциядорлик жамиятлари ўртасида эркин бозор механизмининг етарли даражада ишламаётганлиги инвестиция фондларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Диссертация иши муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестиция фондлари фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатлари П.Штольте, Дж. Сорос, У. Шарп, Г.Марковиц, Э.Фама, К.Френч, Ш.Фаруки, Л.Гитман, М. Джонк каби хорижлик тадқиқотчиларнинг ишларида акс эттирилган³.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида инвестиция фондларининг шаклланиши ва фаолият масалалари А.Абрамов, А.Гончаров, О.Жданова, Е.Стоянова, В.Котиков, И.Алексеева, К.Астапов, Я.Басенко, Н.Берзон, Т.Блохина, А.Гетманская, Л.Решедько, Ю.Рубин, В.Солдаткин, В.Корнев, Р.Кокорев, А.Кузнецов, А.Михайлов, И.Ноздрева, Р.Хафизова, О.Хмыз ва А.Фридман каби россиялик олимларнинг ишларида кўриб чиқилган⁴.

³Штольте П. Инвестиционные фонды: Пер. с нем. – М.: Финстатинформ: интерэксперт, 1996.-168 с., Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1999. - XII, 1025 с.; Фаруки Ш., Англо-русский/Русско-английский Словарь банковских и финансовых терминов. Институт Экономического Развития при Всемирном банке, Государственная Финансовая Академия. Издано в США, 1993. .³ Гитман Л. Джонк М., Основы инвестирования. – М.: Дело, 1999 г. с.642.

Мамлакатда инвестиция фондлари фаолияти 1996 йилдан бошлангани боис, 1998-2012 йиллар тадқиқига оид илмий изланиш намуналарида кўпроқ Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейинги даврни қамраб олган бўлиб, улар одатда қимматли қоғозлар бозорининг алоҳида сегментини ёки унга алоқадор муайян институтни амалий жиҳатдан кўриб чиқишга бағишланиб, улар бўйича Н.Жумаев, Ш.Шохаъзамий, М.Ҳамидуллин, И.Бутиков, Н.Каримов, Ф.Ҳамидова М.Султонбаева,⁵ каби иқтисодчи олимлари изланишлар олиб борганлар.

2017-2018 йилларда диссертация ишларини химоя қилган тадқиқотчилардан М.Султонбаева, У.Халиков ва Х.Худойкулов⁶ларнинг илмий ишларида инвестиция фондининг бир тури бўлган венчур фондларини республикамизда қўллаш, фонд бозори орқали инвестицияларни жалб этишдаги мавжуд муаммолар ва «Тошкент» фонд биржасида муомалада бўлган активларни баҳолаш бўйича илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилган.

Юқоридаги олим ва тадқиқотчиларнинг ишлари муҳим илмий ва услубий манба ҳисобланади. Аммо уларнинг ишларида республикамизда инвестиция фондлари ривожланишининг ҳозирги шарт-шароитлари, тенденциялари ва пай

⁴Абрамов А.Е. Инвестиционные фонды: доходность и риски, стратегии управления портфелем, объекты инвестирования в России. – М.Альпина Бизнес Букс, 2005. - 416с.; Астапов К.Л. Фондовый рынок как механизм стимулирования развития российской экономики//Финансы.2012. №10. – с. 60-64; Басенко Я.С., Алексеева И.А. Понятие, признаки и состав коллективных инвесторов//Деньги и кредит. – 2012. - №3. – с.56-63; Рынок ценных бумаг. Уч. под общей ред. Н.И.Берзона. – М.: Юрайт, 2011. – 567с.; Блохина Т.К. Институциональные инвесторы в концепции развития российского фондового рынка: дис.доктора экон.наук. – М.; 2000. - 303 с.; Гетманская А.Д. Развитие деятельности институциональных инвесторов на российском фондовом рынке. Дис.канд.экон.наук. – Ростов- на Дону: 2014-174 с.; Гончаров А.И. Инвестиционный пай как удостоверение права на собственную долю имущества в фонде. Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруд; Жданова О.А. Паевой инвестиционный фонд интеллектуальной собственности как новый институт рынка коллективного инвестирования // Финансы. 2016. № 5. С. 74–76, 2014; Котилов В. Хедж фонды: Игра на рынке по новым правилам.-М.: Альпина Бизнес Букс, 2006.-с. 94; Ноздрева И.В. Небанковские институциональные инвесторы: зарубежный и отечественный опыт: дис.к.э.н. – М.: 2002. – 169 с; Решедько Л. В. Проблемы и перспективы развития паевых инвестиционных фондов / Л. В. Решедько // Интерэкс - по Гео - Сибирь. 2016. № 2. С. 37–41;Рубин Ю.Б., Солдаткин В.И. Инвестиционно-финансовый портфель.-М.; Соминтэк 1993. с. 541; Стоянова Е.С. Финансовый менеджмент. Теория и практика. Уч. для вузов. -М.: Перспектива, 2006, с.656 Хмыз О.В. Институциональные инвесторы и инвестиционный потенциал России в посткризисный период.//ДиК.-2011.- №7с. 34-39.; Хафизова Р.Г. Секьюритизация активов на основе паевых инвестиционных фондов. ISSN 2305-4212. «Казанский экономический вестник». 2016. № 6(26); Фридман А.И. Понятие инвестиционного фонда и инвестиционного юридического лица // Право. Журнал Высшей школы экономики. 2017. № 2. С. 68–79.

⁵Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлар ва Ўзбекистонга тасири. – Тошкент, 2009.; Ҳамидова Ф.А. Анализ и пути привлечения портфельных инвестиций в приватизированные предприятия. Автор-т к.э.н. БМА, 2008; Султонбаева М.Б. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фондларини ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш. И.ф.н автор-ти Ў.Р. БМА. 2012 шун-дек, и.ф.д. диссертация автор-глари: Бутиков И.Л. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане. БФА, 2009; Ҳамидуллин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления БФА, 2010; Шохаъзамий Ш.Ш. Методологические основы и приоритеты стратегического развития рынка ценных бумаг в Узбекистане. БФА, 2011. Каримов Н. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007.;

⁶Халиков У.Р. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. БМА-2018 йил, Султонбаева М. Б. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантиришнинг концептуал жиҳатлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. БМА.-Т.: 2017.-64 б, Худойкулов Х. Х. Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: БМА-2018 йил.

фондларини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Шу сабабли, фонд бозорини фаоллигини ошириш мақсадида аҳоли пул маблағларини жалб этишга қаратилган Ўзбекистонда инвестиция фондларини янги турларидан-пай инвестиция фондларини тузиш билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2013-2018 йилларга мўлжалланган «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий лойиҳаси йўналишига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари бўйича илмий асосланган услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инвестиция фондининг моҳияти, функциялари, ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан объектив зарурлиги ва таснифини тадқиқ этиш;

инвестиция фондларини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасини ёритиб бериш;

инвестиция фондлари инфратузилмасини ривожлантиришга оид назарий-ҳуқуқий асосларни ёритиб бериш;

Ўзбекистонда инвестиция фондларининг вужудга келиши ва ҳуқуқий институционал асосларини баҳолаш;

маҳаллий қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фондлари фаолиятининг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда инвестиция фондлари соф активлар қийматига омиллар таъсирини баҳолашнинг эконометрик таҳлилин амалга ошириш;

Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантиришнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

миллий иқтисодиётда инвестиция фондларини ривожлантириш йўллари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда фаолият юритаётган инвестиция фондлари, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети инвестиция фондлари фаолиятини ривожлантириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг вазифасини ҳал этишда илмий абстракциялаш, эмпирик, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик маълумотларни гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, танлама кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инвестиция фондлари активларини бошқарганлик учун ишончли бошқарувчига тўланадиган мукофот пули миқдорини фонднинг самарали ишлашига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган шаклда белгилаш ёндашуви асосланган;

инвестиция фондларига акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилмаслик ҳолатларининг олдини олишда, мазкур акциядорлик жамиятларининг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга алмаштириб беришга оид қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш давлат органи доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши зарурати асослаб берилган;

фаолият юритиш муддати ўтиб кетган хусусийлаштириш инвестиция фондлари ва лицензия талабларига мос келмайдиган инвестиция фондларини пай фондларига айлантиришнинг дастлабки босқичи ишлаб чиқилган;

инвестиция фондларининг назарий асосларини тадқиқ қилишда таснифлаш мезонлари таркибига кўшимча «операциялар туркумларига ихтисослашганлик ва ташкилий моделларига кўра фарқланиш» мезонини киритиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инвестиция фондининг соф активлари қийматини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш асосида эконометрик таҳлил амалга оширилган ва омилларнинг таъсирчанлик даражаси аниқланган;

инвестиция фондининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, улар фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва таснифлаш мезонларини ўрганиб чиққан ҳолда инвестиция фонди тушунчасига оид муаллифлик таърифи шакллантирилган;

инвестиция фондлари фаолиятининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш орқали уларнинг молиявий ҳолатига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган;

Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми Ислом динига эътиқод қилишини ҳисобга олган ҳолда, уларни фонд бозорига жалб этишда жаҳон бозорида фаоллиги ошиб бораётган ислом инвестиция фондлари туридан фойдаланиш зарурати асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари бўйича илмий-назарий фикрларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, маҳаллий ва илғор хориж тажрибасидаги норматив-ҳуқуқий асосларни ўрганиш ва умумлаштириш, республикамизда инвестиция фондлари молиявий ҳолати натижалари ҳамда миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларига асосланганлиги, жумладан, капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, шунингдек, «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонасининг статистик маълумотларига асосланиб, жараёни таҳлил қилиш орқали хулосалар қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, ҳамда фонд бозорида инвестиция фондларини

ривожлантириш истиқболларига оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш, шунингдек, хорижий инвесторлар, хўжалик субъектлари, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жалб этиш ва жойлаштириш мақсадида қабул қилинадиган қонун ва қонун ости ҳужжатлари, мамлакат Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

инвестиция фондларида активларини бошқарганлик учун ишончли бошқарувчига ажратиладиган қатъий белгиланган мукофот пулини соф активлар қиймати ошишини рағбатлантириш мақсадида табақалаштирилган ҳолда белгилаш тартиби «Daromad Plus» IF AJда жорий этилган (Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2018 йил 28 майдаги 02-02/05-14-170-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг «Daromad Plus» IF AJга жорий этилиши натижасида 2010 йилда соф активлар қиймати 1372,8 млн. сўм ва 2011 йилда 1531,3 млн. сўмни ташкил этган; соф активлар қийматининг 5 фоизгача миқдорида белгилаш мумкин бўлган мукофот пулини 2010-2011 йилларда 4,63 фоиз ва 4,64 фоизгача пасайтириш тартиби қўлланилиб, мос равишда 5,08 ва 5,45 млн. сўм иқтисодий самарага эришилган;

инвестиция фондлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида дебитор қарздорлигини сезиларли даражада қисқартиришга хизмат қилувчи, яъни акциядорлик жамиятларининг дивиденд бермаётган акцияларини имтиёзли акцияларга айлантиришнинг янги тартибини қўллаш бўйича берилган таклиф Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази фаолиятига жорий этилган (Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2018 йил 28 майдаги 02-02/05-14-170-сон ва 02-02/05-14-171-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг инобатга олиниши натижасида 2014 йилгача тўпланиб қолган 425,8 млн. сўмлик дебитор қарзлари, 2015 йил давомида 344,9 млн. сўмгача камайтирилиб, ундирилган маблағлар инвестиция фондлари соф активлар қийматини оширишга йўналтирилган;

фаолият юритиш муддати ўтиб кетган хусусийлаштириш инвестиция фондлари ва лицензия талабларига мос келмайдиган инвестиция фондларини тижорат банкларида инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси профессионал фаолият турини жорий қилиш орқали, пай фондларини тузиш таклифи Марказ томонидан «Молия бозорини узоқ ва ўрта муддатга ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланиш мақсадида қабул қилинган (Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2018 йил 28 майдаги 02-02/05-14-170-сон ва 02-02/05-14-171-сон

маълумотномалари). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши инвестиция ва пай фондларига оид қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, аҳоли қўлида тўпланган маблағларини инвестиция фондлари ўртасида рақобатни кучайтириши орқали инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, шунингдек, банкларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси сифатида пай фондларини тузиши орқали омманинг бўш ишламай ётган маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб этишга эришилган;

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси таркибидан чиқариш ва бевосита Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига бўйсунуши ва инвестиция фондлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жаҳон андозаларига мослаштириш орқали қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича таклифларидан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази амалиётида фойдаланилган (Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2018 йил 28 майдаги 02-02/05-14-170-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида давлат органларининг бир-бирини такрорловчи, ортиқча назорат функциялари бекор қилиниб, янги давлат органи – Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 26 та, шу жумладан, 10 та республика ва 16 (2 таси хорижий) халқаро илмий-амалий конференцияда маъруза шаклида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда 13 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби: кириш, учта боб, 8 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 14 та иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 150 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инвестиция фондларини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида инвестиция фондининг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан объектив зарурлиги, функциялари ва таснифи, инвестиция фондларини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси ва инвестиция фондларининг инфратузилмаси илмий-назарий ва услубий жиҳатдан ёритиб берилган.

Инвестиция фондлари (ИФ) тараққиёти аҳоли омонатлари ва жамғармаларини қимматли қоғозларга узок муддатли инвестициялаш мақсадлари учун жамлашга, шу орқали иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг ишлаб чиқариш ресурсларини янгилаш ва кўпайтиришга хизмат қилиб, пировардида мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлайди. ИФларни юзага келиш зарурати хусусий инвесторлар (асосан, аҳоли) томонидан фонд бозорида етарли малака ва кўникмалари камлигини эътироф этишгани ҳолда, инвестицион қарор қабул қилишни профессионал мутахассислар, жумладан, бошқарувчи компания ва воситачиларга бериш лозимлигини таъкидладилар.

Адабиётларда инвестицияларни турли шаклларга, яъни қўйилиш объектига қараб реал ва молиявий, шунингдек, қатнашиш характериға кўра бевосита ва портфель инвестицияларға фарқлашади, қонунчилигимизда эса мўлжалланган объектиға кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларға бўлинади. Инвестицияларнинг қўйилиш объекти шаклини У. Шарпнинг куйидаги таърифи орқали ҳам ифодалаш мумкин: «Реал инвестициялар (real investments) асосан моддий активларға (ер, ускуналар, заводлар) қилинган инвестициялардир. Молиявий инвестициялар (financial investments) – бу қоғозда битилган шартномалардир. Буларға оддий акциялар ва облигациялар киради. Инвестицияларнинг бу икки шакли ўзаро рақобатлашувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчидир». Шу билан бирға кўпчилик манбаларда инвестиция фонди ташкилотлар, компаниялар, ихтисослаштирилган компаниялар, молиявий маҳсулотлар, мулк мажмуалари, молиявий воситачилар, фондлар, акциядорлик жамиятлари ва юридик шахс сифатида талқин қилинмоқда.

Фикримизча, ИФлари фаолияти танланган тадқиқ услубимизда, яъни иқтисодий тизимлаштириш (услуб) қоидалари асосида ўрганиш уларни бир вақтнинг ўзида уч даражадаги тизимли муносабат иштирокчилари сифатида ўрганишни талаб этади: даставвал, ИФлари молия бозори тизимидаги элемент сифатида унинг ривожланиш қонуниятлари ва макродаражадаги тартибга солиш шартларига бўйсунди, иккинчидан, ИФлари коллектив инвестиция институтлари вакили сифатида уларға хос молиявий-иқтисодий табиатға эға ва ниҳоят учинчи тизим, ИФлари мустақил тизим сифатида бир-бирини тақозо этувчи элементлар мажмуидан иборат. Тадқиқотимиз асосини 3-чи тизим элементлари ташкил этади. ИФларини мустақил тизим сифатида, яъни уларнинг таснифлаш мезонларига оид хориж тажрибасини, ушбу масала юзасидан иқтисодчи-олимлар қарашларини умумлаштириш ва амалдаги ҳуқуқий-меъёрий асосларни ўрганиш ИФларини таснифлаш мезонлари таркибига қўшимча «операциялар туркумларига ихтисослашганлик ва

ташкилий моделларига кўра фарқланиш»ни киритиш зарурлигини кўрсатди (1-расм).

<p>Фаолият кўлами доирасига кўра; Инвесторларнинг имкониятларига кўра; Инвестицион стратегиясига кўра; Инвестицион сиёсатига кўра; Фонд қимматли қоғозларини қоплаш шартларига кўра; Мажбуриятлар мавжудлигига кўра; Ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра.</p>	<p>Хорижий ва ўзбек иқтисодчи-олимлари фикрича</p>
<p>Операциялар туркумларига ихтисослашганлик; Ташкилий моделларига кўра фарқланиш.</p>	<p>Муаллиф томонидан тақлиф этилганлари</p>

1-расм. ИФларини таснифлаш мезонлари

Жаҳон амалиётида, «Операциялар туркумларига ихтисослашганлик» мезонига кўра ИФлари универсал ва институционал фондларга бўлинади. «Ташкилий моделларига кўра фарқланиш» мезонига кўра инвестиция фондлари тараққиётининг ташкилий моделларини англо-саксон, континентал (Европача, германча), уларни гибридли (аралаш) ва ислом турларига ажратиш мумкин.

ИФининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, улар фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари, объектлари, субъектлари, мақсади, функциялари, бажарувчи операциялари, тамойиллари ва таснифлаш мезонларини ўрганиб чиққан ҳолда инвестиция фондига муаллифлик таърифини куйидагича бериш мумкин: «инвестиция фондлари – фойда олиш мақсадида акциядорлар маблағларини қонунда рухсат этилган молиявий инструментлар ва бошқа активларга диверсификациялаш асосида инвестициялашни амалга оширадиган молиявий воситачидир».

Юқорида муҳокама қилинган иқтисодчи олим ва тадқиқотчиларнинг таърифларидан, шундай хулосага келишимиз мумкинки, ушбу таърифлар дунё давлатлари фонд бозоридаги ташкилий моделининг хусусиятли жиҳатлари–миллий менталитетига хос мавжуд инвестиция фондларининг турлари ва тоифаларига урғу берилган. Масалан, АҚШда ўзаро (mutual funds) фондлар, Германияда инвестиция компанияси, Россияда пай фондлари, Қозоғистонда кўчмас мулк акциядорлик жамияти кўринишидаги ИФлар ва Ўзбекистонда акционерлик жамияти жамияти кўринишидаги ИФлари ва пай фонди ҳисобланса, уларнинг тоифалари қаторига облигациялар фонди, хеж фондлари, венчурли фондлар, ипотека фонди кабиларни киритиш мумкин.

Ушбу 1-жадвалдан жой олган ИФларининг турлари қимматли қоғозлар бозорининг ташкилий моделлари таъсирида шаклланган. ИФини турларига бўлиб ўрганиш ҳар қандай мамлакат учун муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли фармонида кўра лицензияланмайдиган фаолият

тури сифатида вечур фонди, инвестиция компанияси ва бошқарув компанияси иш бошлаши мумкин.

1-жадвал

Жаҳон мамлакатлари кесимида ИФларининг турлари

№	Давлатлар	Турлари
1.	АҚШ	-Бошқарув компаниялари; -ўзаро фондлар; -номинал қийматга эга сертификатлар фонди; -ёпиқ типдаги инвестиция компаниялари; -инвестицион трастлар (хомий, васий); -индексли фондлар.
2.	Буюк Британия	-Юнит-трастлар; -инвестицион трастлар; -ислом фондлари.
3.	Германия	-Инвестиция компаниялари; -контракт (шартнома)га эга инвестиция фонди.
4.	Люксембург, Ирландия (Дублин)	-Ёпиқ трастлар; -очиқ типдаги инвестицион компаниялар ёки акциядорлик компаниялари.
5.	Малайзия	-Очиқ пай инвестиция фондлари; - ёпиқ пай инвестиция фонди.
6.	Россия	-Акциядорлик инвестиция фондлари; -айланмасида пайлари чегараланган фондлар; -ёпиқ пай инвестиция фондлари; -биржавий пай инвестиция фондлари; -оралиқ пай инвестиция фондлари; -очиқ пай инвестиция фондлари.
7.	Козоғистон	-Акциядорлик инвестиция фонди; -очиқ пай инвестиция фонди; -кўчмас мулк акциядорлик инвестиция фонди; -оралиқ пай инвестиция фонди; -ёпиқ пай инвестиция фонди; -оддий ширкат ёки акциядорлик жамияти шаклидаги-Венчур фонди.
8.	Ўзбекистон	-Акциядорлик инвестиция фондлари; -очиқ пай инвестиция фондлари; - ёпиқ пай инвестиция фонди; -венчур фонди; -инвестиция компанияси; -бошқарув компанияси.

Тадқиқот жараёнида ислом ИФларининг ташкилий моделига ҳам урғу берилиб, ундан Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилди. Бу моделга хос бўлган Покистон, Бахрайн, Кувайт, Индонезия, Эрон, Малайзия давлатлари молия институтлари олдиндан белгиланган фоиз асосида даромад олишлари ва спекулятив операциялар бажаришлари мумкин эмас, улар фақат улушлар ва ижара асосида иштирок этишлари, мулкни насияга сотиб олиши ва сотиши мумкин. Пул ресурсларини жалб этиш учун банклар билан шериклик асосида депозитлар ўрнига акциялар, ИФлари, фоиз тўловлари олдиндан белгиланмаган жамғарма ва инвестиция счёти, фоизли облигациялар ўрнига дисконтни устама ҳақ сифатида белгилаб дисконтли облигациялар қўлланилади, облигациялар ва деривативлар сегментлари мавжуд эмас,

устамали давлат облигациялари (мухроб) махсус инвестиция фондлари улушларига конвертациялантирилади ва ушбу фондлар орқали лойиҳавий молиялаштиришга асосланиб, ҳукумат томонидан молиялаштирилади.

Халқаро статистикада қарз муносабатларини мужассамлаштирувчи қоғозлар бўйича ислом мамлакатлари келтирилмайди. Исломий молия тармоғи – дунёда энг тез ўсаётган тармоқлардан ҳисобланиб, жаҳондаги ялпи Исломий молиявий активлар қиймати 2018 йил бошига келиб 2,4 трлн. доллардан ошган⁷. Ўзбекистон аҳолисининг ислом эътиқодларига риоя қиладиган қисмини фонд бозорига жалб этишда жаҳон тажрибасида фаоллиги ошиб бораётган ислом ИФлари шаклидан фойдаланиш мумкин. Шу сабабли инвестиция фондларининг бундай турини Ўзбекистон амалиётида қўллаш учун, «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон амалиётида, қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг асосий вазифаси – унинг барча бўғинлари узлуксиз фаолиятини таъминлаш ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида эса амалдаги миллий қимматли қоғозлар бозорини, шу жумладан, ИФ инфратузилмасини такомиллаштириш талаб этилади. Қимматли қоғозлар миллий бозорининг етарли даражада тизимлаштирилмаганлиги уни қўллаб-қувватловчи инфратузилма фаолиятидаги муаммолар туфайли бўлиб, ушбу муаммолар бевосита ИФлар ривожланиши билан ҳам боғлиқ.

ИФлари фаолиятининг инфратузилмаси – қимматли қоғозлар бозорини қўллаб-қувватловчи муассаса ва ташкилотлар мажмуасидир. Фикримизча, ИФлари билан боғлиқ инфратузилма қуйидаги таркибдан иборат бўлиши керак: Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича давлат органи; бошқарув компанияси; фонд биржаси; фонд биржасининг профессионал воситачилари (брокерлар, дилерлар); депозитарий; реестр сақловчи; ҳисоб-китоб – клиринг палатаси; трансфер-агент; қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси; аудитор; банклар. Республикамизда ИФлари бўйича инфратузилмаси юзасидан олиб борилган тадқиқот қуйидаги хулосаларни берди: Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси (МД) – қимматли қоғозлар бозорида монопол ташкилот мавқега эга бўлган. Яъни улар ўзларининг асосий вазифаси акциядорлик жамият (АЖ)ларига депо счётлар очиш ва мулкни сақлашдан ташқари қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият тури хизматини кўрсатишга ихтисослашган (реестр сақловчи ва инвестиция воситачиси депозитар операциялари) иштирокчиларининг ҳам вазифаларини бажармоқда.

Инвестиция фондлари фаолияти инфратузилмасини ўрганиш жараёнида аён бўлдики, маҳаллий ИФларда асосий муаммо иккита юридик шахснинг мажбурий иштироки: инвестиция фонди ва бошқарув компаниясидир. Бу ҳолат инвестиция портфелини бошқариш харажатларининг кўпайишига олиб келиб, унинг жозибаторлигини камайтирмоқда.

⁷ Аброров С. Ўн йилда тўрт баробаргача ўсиш: ислом молияси ҳақида нималарни биламиз. Ҳуқуқ ва бурч. 2019 йил №2, 15-бет.

Диссертациянинг «Мамлакатимизда инвестиция фондларини ривожлантиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда ИФларининг вужудга келиши ва ҳуқуқий институтчионал асослари, инвестиция фондлари фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари таҳлили ва Ўзбекистонда ИФлари соф активлар қийматига омиллар таъсирини баҳолашнинг эконометрик таҳлили изоҳлаб берилган.

1996 йилда давлат мулки (корхоналари)ни хусусийлаштириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини ушбу жараёнга жалб этиш орқали мулкдорлар сафига айлантириш дастурлари хорижий экспертлар ҳамкорлигида муҳокама қилиниб, ХИФларнинг «пилот дастури» яратилди. 1996-1998 йилларда ушбу дастурнинг фаол қўлланиши натижасида 86 та ХИФ ташкил этилди. Кейинчалик бу соҳада ўтказилган ислохотлар, уларнинг сони кескин камайишига сабаб бўлди. ВМнинг 220-сонли қарорида кўрсатилган давлат кредити қайтарилиши муддатини 7 йилдан ВМнинг 410-сонли қарорига мувофиқ 5 йилгача қисқариши ва харид қилинган акциялар тўлови улушини 16,64 дан 30 фоизгача ошириш каби ўзгаришлар кўплаб ХИФларни банкротликка олиб келади.

Ўзбекистонда ИФи сони кескин қисқаришига олиб келган 2-омил, уларни акциядорлик жамиятига тенглаштирилгани бўлди. Айнан 2003 йил 1 февралдаги ҳолатига кўра устав фонди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 50 минг АҚШ доллари, 2010 йил 1 январгача 400 минг АҚШ доллари, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сонли фармони билан эса 400 минг АҚШ доллари сўмга қайта ҳисобланиб, қонунга ўзгартиришлар киритмаган ҳолда 1 600 млн. сўм даражасида қайд этилган эди. 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ устав фондининг энг кам миқдори билан боғлиқ талаб бекор қилинди. Шу билан бирга жамият устав фондининг энг кам миқдори лицензия талабларида белгиланиши мумкинлиги сақлаб қолинган. Тадқиқот объекти бўлган ИФлари 2003 йил 9 июлдаги 308-сонли низомнинг 6-бандига мувофиқ лицензияланувчи фаолият тури ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 410-сонли қарори 2-илова 13-бандига асосан ИФнинг устав фонди у таъсис этилаётганда унинг муассислари улушлари ҳисобига шаклланади ва у 1 600 млн. сўмни ташкил этиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Республикаимизда 2018 йил бошига келиб, 7 та ИФ ва 2 та ХИФ мавжуд бўлиб, уларни муомалага чиқарган акциялари ва соф активлар қиймати куйидаги 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги 2 та «DO`STLIK» ва «OLIM-F» ХИФ ОАЈларнинг сақланиб қолгани, активларнинг ишончли бошқарувчиси томонидан инвестиция декларациясидаги талабларнинг бажарилмагани туфайли уни тугатиш тўғрисида маълумотлар хўжалик судига юборилган. Амалда фаолият юритаётган «SEMURG», «BARAKA», «OLTIN-INVEST», «DONOLIK VA

KELAJAK», шунингдек «MIRZO ULUG`BEK» IF AJларининг устав капитали Вазирлар Маҳкамасининг 410-сонли қарори талабларига мос келмайди. Шунинг учун ушбу 5 та ИФ АЖларининг келгуси фаолияти ишончли бошқарувчи стратегиясига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

2-жадвал

2018 йил 1 январь ҳолатига инвестиция фондлари муомалага чиқарган акцияларининг номинал ва соф активлари қиймати⁸

№ т/р	ИФлар номи	ИФлар жойлашган ҳудуд	Чиқарилган акцияларнинг умумий ҳажми (дона)	Акциялар номинал қиймати	Чиқарилган акцияларнинг умумий ҳажми (млн.сўм)	Соф активлар қиймати (млн. сўм)
1.	DO`STLIK XIF OAJ	Бухоро	590 000	100	59,00	139,45
2.	OLIM-F XIF OAJ	Тошкент ш.	1 090 091	100	109,01	437,00
3.	DAROMAD PLUS IF AJ	Тошкент ш.	1 263 808	500	631,90	3 528, 65
4.	KAMALAK IF AJ	Андижон	229 021	2 700	618,36	1 017,2
5.	SEMURG` IF AJ	Қашқадарё	756 018	100	75,60	159,98
6.	BARAKA IF AJ	Фарғона	6 709 936	100	670,99	484,94
7.	OLTIN-INVEST	Наманган	535 288	100	53,52	494,01
8.	DONOLIK VA KELAJAK IF AJ	Тошкент	557 510	100	55,75	297,07
9.	MIRZO ULUG`BEK	Самарқанд	80 000	625	50,00	183,04
жами					2,324	6,74

ИФ даромадлар таркибининг амалдаги ҳолатини аниқлаш учун танлаб олинган «Daromad Plus» IF AJ маълумотларидан фойдаланилди (2-расм).



2-расм. 2011-2017 йилларда «Daromad Plus» IF AJнинг даромадлари таркиби (млн.сўм).

⁸ www.deponet.uz

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, ИФини даромадлари асосан дивидендлар, фоизлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва бошқа даромадлар натижасида шаклланади. Ушбу фонднинг даромадлари 2012, 2013 2015 ва 2016 йилларда асосан дивидендлардан ташкил топган бўлса, 2011 ва 2017 йилда дивидендлар ва молиявий фаолиятдан олинган даромадлар улуши деярли тенглашган. 2014 йилда эса фонд портфелида сақланаётган «Minora qurish ekspeditsiyasi» AJ акцияларининг номинал қиймати 30 минг сўм дан 240 минг сўмга кўтарилиши натижасида, молиявий фаолиятдан олинган даромадлардаги улуши (1 890 млн. сўмга) кескин кўпайиб кетган.

2017 йил якунларига кўра, республикамизда мавжуд 9 та ИФ (ХИФ)ларидан фақат 2 таси, яъни «Daromad Plus IF AJ ва «BARAKA» акциядорлик жамияти инвестиция фондлари дивиденд тўлаган. Тадқиқот объекти сифатида ўрганилаётган «Daromad Plus» IF AJ 574 млн. сўмдан ортиқроқ соф фойдасини 11 %ни дивиденд тўлашга, яъни ҳар бир оддий акция номинал қийматидан 10 фоиз миқдорида дивиденд тўлаган.

Дунё тажрибасида оддий акциядорлик жамиятларидан фарқли равишда, инвестиция фондларида соф фойдасидан дивиденд фондига ажратишнинг ягона услубияти ишлаб чиқилмаган. Инвестиция фонди соф фойдасидан дивидендга қанча фоиз ажратиши ёки уларни янги объектларга йўналтириш тўғрисидаги қарорларни акциядорларнинг умумий йиғилиши қабул қилади. Хорижий тажрибада бундай қарор қабул қилишга зарурат йўқ. Чунки фонд сиёсатидан келиб чиқиб, соф фойданинг бир қисмини дивиденд тўлашга ажратиши ёки тўлалигича реинвестиция қилиши мумкин.

Акциядорларнинг манфаати асосан соф активлар қийматининг ўсиши ҳисобланади. Яъни фонд бозорида қимматли қоғозларнинг котировка қилиниши натижасида ҳар бир акциядорга тўғри келадиган мулк қиймати тўғрисида маълумот бериб борилади. Бунда акциядор ўз акциясига мос дивиденд олиши ёки унинг қиймати кўтарилганда сотиш орқали курслар ўртасидаги фарқи сифатида даромад олиши мумкин. Шунинг учун ҳам, акциядорларнинг умумий йиғилиши йил якунига кўра олинган соф фойдасини бир қисмини инвестициялаш объектларига жойлаштириши орқали инвестиция портфели ҳажми кўпайтирилади, натижада соф активлар қиймати ошишига эришилади. Республикамизда эса бундай амалиёт мукамал ишламаётганлиги туфайли акциядорлар фақат дивидендлар билан чекланиб қолмоқдалар. Республикамизда ИФи эгалик қилаётган АЖлар ўз акцияларига талаб даражасида дивиденд бермаётган ёки умуман ажратмаётгани ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли инвестиция фондлари портфелида сақланаётган акцияларига тегишли акциядорлик жамиятлари акциядорлар умумий йиғилиши дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилмаслик ҳолатларининг олдини олишда қуйидаги таклиф киритилди. Инвестиция фондларига акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилмаслик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида мазкур акциядорлик жамиятларининг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга алмаштириб беришга оид капитал бозорини ривожлантириш

агентлиги доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Харажатлар таркибида бошқариш учун қатъий белгиланган харажатлар соф активлар қийматига нисбатан белгиланади (3-жадвал).

3-жадвал

2011-2017 йилларда «Даромад-плюс» ИФ АЖнинг харажатлари таркиби (млн.сўм)

Кўрсаткичлар\йиллар	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й
Соф активлар қиймати	1531,3	1588,9	1701,4	3456,8	3518,3	3352,9	3528,7
Бошқариш учун қатъий белгиланган харажатлар, шу жумладан:	92,5	96,0	97,2	174,9	196,1	195,6	208,4
Ишончли бошқарувчига мукофот (5фоизгача)	71,1	76,3	78,4	152,7	173,7	176,5	187,2
Марказий депозитарийга мукофот (2фоизгача)	17,1	15,1	15,3	13,0	12,0	8,5	10,0
Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот (0.3фоизгача)	4,3	4,6	3,5	9,2	10,4	10,6	11,2
Бошқарий учун қатъий белгиланмаган харажатлар, шу жумладан:	3,6	17,3	10,6	7,3	5,86	7,1	13,5
Давлат кредитлари учун фоиз тўловлари	0	0	0	0	0	0	0
Кузатув кенгашида мажлислар ва акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун харажатлар	1	0,8	1,9	1,9	1,3	0,1	0,3
Аудиторлик текширувини ўтказиш учун харажатлар	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	2,5
Банк хизматлари тўлови	1,0	10,3	8,0	2,2	2,6	3,2	3,3
Битимларни амалга ошириш харажатлари	0	0	0,04	0,6	0,06	1,9	6,5
Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан келадиган зарар	0	0	0	0	0	0	0
Бошқа харажатлар (зарарлар)	1,1	5,7	0,2	2,1	1,4	1,4	0,9
Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар	0	0,02	0	0	0	0	0
Жами харажатлар	96,1	113,3	108,8	182,3	202,0	203,1	221,9

Ушбу жадвал маълумотларига кўра 2014 йилда соф активлар қийматининг 2 баробар ўсиши ишончли бошқарувчига ажратиладиган (бошқа қатъий белгиланган харажатлар ўзгармаган ҳолда) мукофотнинг ҳам кескин ошишига олиб келган. Ушбу ИФ харажатлари таҳлили натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин. Қатъий белгиланган харажатларнинг соф активига нисбатан ҳисобланиши ҳар доим ҳам самара келтиравермайди. Амалдаги қонунчилигимизда, ишончли бошқарувчи ИФнинг соф активлари қиймати йил давомида ўзгаришидан қатъий назар, фонд активларини бошқарганлик учун 5 фоиз мукофотини олади. Ушбу тартиб, инвестиция фонди активларини

самарали бошқаришда ишончли бошқарувчи манфаатдорлигини бозор қонуниятларига мослаштирилиши керак, яъни эришилган натижа олинган самарага рағбат сифатида боғлиқ бўлиши керак. Шунинг учун, ишончли бошқарувчига ажратиладиган мукофот пули соф активлар қиймати ошишини рағбатлантиришга қаратилиши, яъни соф активлар қийматининг базис йилига нисбатан ўзгаришини ҳисобга олиб табақалаштирилган шаклда белгилаш таклифи ишлаб чиқилган. Чунки ушбу ишончли бошқарувчи олдинги йиллар хизмати учун мукофотини олиб бўлган, шунинг учун у истикболдаги стратегияси орқали фойда олиши керак.

Диссертацияда «Камалак» ИФининг соф активларини қийматига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг мураккаб эконометрик усулларга асосланган авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) модели бўйича таҳлиллар амалга оширилди. Соф активлар қийматига таъсир этувчи омиллар таъсирини қуйидаги содда математик формула кўринишида ифодалаймиз.

$$NAV = f(AR, CD, TR, TE,)$$

Бу ерда: NAV – инвестиция фондининг соф активлар қиймати;
 AR – инвестиция фондининг дебиторлик қарздорлиги ;
 CD– инвестиция фондининг кредиторлик қарздорлик;
 TR – инвестиция фондининг умумий даромадлари;
 TE – инвестиция фондининг умумий харажатлари.

4-жадвал

Авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) моделида баҳолаш⁹

Ўзгарувчилар	ARDL(1,2,3,3)			
	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
$\Delta \text{LnNAV}(-1)$	-0.437686	0.244106	-1.793017	0.0889
LnAR	0.272864	0.041055	6.646345	0.0000 ^{***}
$\text{LnAR}(-1)$	-0.165034	0.071637	-2.303743	0.0327
$\text{LnAR}(-2)$	-0.086745	0.061367	-1.413562	0.1737
ΔLnCD	-0.039483	0.018038	-2.188828	0.0413 ^{**}
$\Delta \text{LnCD}(-1)$	0.019210	0.020311	0.945796	0.3561
$\Delta \text{LnCD}(-2)$	-0.011675	0.018521	-0.630345	0.5360
$\Delta \text{LnCD}(-3)$	-0.042785	0.018978	-2.254473	0.0362
ΔLnTR	0.015880	0.005423	2.928354	0.0086 ^{***}
$\Delta \text{LnTR}(-1)$	0.017073	0.005964	2.862970	0.0100
$\Delta \text{LnTR}(-2)$	0.018887	0.005366	3.519441	0.0023
$\Delta \text{LnTR}(-3)$	0.015336	0.005881	2.607513	0.0173
Моделни мезонлари				
Қолдиқлар квадрати			0.868273	
Ўзгарган қолдиқлар квадрати			0.785076	
F-статистика			10.43645	
Эҳтимоллик (F-статистика)			0.000006 ^{***}	

^{***} 1% да статистик муҳимлигини, ^{**} 5% да статистик муҳимлигини, ^{*} 10% да статистик муҳимлигини кўрсатади.

⁹ «Камалак» ИФи маълумотлари Eviews-9.0 программаси ёрдамида муаллиф томонидан таёрланган.

Тегишли адекватлик тестларидан сўнг омилларнинг узок ва қисқа муддатли боғланишни ARDL модели ёрдамида аниқлаймиз:

$$\ln NAV_t = \varphi_0 + \beta_1 \ln AR_{t-1} + \beta_2 \Delta \ln CD_{t-1} + \beta_3 \Delta \ln TR_{t-1} + \varepsilon_t$$
